

Қуръони Карим дарслари (13-дарс). Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Қуръон (давоми)



13:00 / 24.12.2018 7993

Аллоҳ таоло Ўз хитобини тўғридан-тўғри Расулига қаратмади, балки ояти каримада улар қилмаган иш фидядан кўра улуғроқ иш экани, набийлардан бири бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан бундай хато содир бўлиши тўғри эмаслиги учинчи шахс сийфасида эслатилди:

لَمَسَّكُمْ سَبَقَ اللَّهُ مِنْ كُنْتُمْ لَوْلَا ﴿١٧﴾ حَكِيمٌ عَزِيزٌ وَاللَّهُ الْأَخْرَجَ يُرِيدُ وَاللَّهُ الدُّنْيَا عَرْضَ تُرِيدُونَ الْأَرْضِ فِي يُثِخِنَ حَقِّ أَسْرَى لَهُ يَكُونُ أَنْ لِنَبِيِّ كَانَتْ مَا

عَظِيمٌ عَذَابٌ أَخَذْتُمْ فِيهَا ﴿١٨﴾

«Набий учун ер юзида забардаст бўлмагунча асирлари бўлиши тўғри эмас эди. Сизлар дунёнинг ўткинчи нарсасини ирода

қиласизлар. Аллоҳ эса охиратни ирода қиладир. Ва Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир. Агар Аллоҳнинг олдиндан ёзгани бўлмаганида, олган нарсаларингиз туфайли сизга улкан азоб етар эди» (Анфол сураси, 67-68-оятлар).

Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло дастлабки даврларда, то Ислом давлати мустаҳкам бўлиб, у билан ҳамма ҳисоблашадиган бўлгунича, бошқача иш тутишни – асирларга тўлов олмай, қилмишига яраша ўлдиришни ирода қилган эди. Аммо ҳали Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни бунга амр этмай турарди. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобалари билан маслаҳатлашиб, асирлар учун тўлов олишга қарор қилдилар. Шундан кейингина Аллоҳ таоло оятларини нозил қилиб, хатони тузатди.

Аллоҳ таоло кўпинча хато содир бўлишидан олдин мусулмонларнинг ишларига аралашиб, тўғри йўлга йўллаб турарди. Баъзи ҳолларда эса хато содир бўлганидан кейин оят нозил бўлиб, хато тузатилар эди. Бунда ҳукм янада қаттиқ таъсир қилади. Яна бошқа ҳикматларини Аллоҳнинг Ўзи билади.

Иккинчи оятда иккита катта ҳақиқат кўриниб турибди.

Биринчиси – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асирлар масаласини Аллоҳ аралашадиган даражада жиддий масала деб ҳисобламаганлар. Йўқса саҳобаларга маслаҳат қилмасдан, албатта, Аллоҳнинг амрини кутган бўлар эдилар.

Иккинчиси – Қуръонда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳеч қандай аралашувлари йўқ. Ҳаммаси Аллоҳ таолонинг Ўзидандир. Акс ҳолда бу ҳолат юзага келмас эди.

Аллоҳ таоло Бадр урушида иштирок этган мусулмонларнинг барча гуноҳларини аввалдан кечиб юборган эди. Шунинг учун олдиндан ёзиб қўйилган қазои қадарга биноан уларнинг бу ҳолатлари ҳам кечиб юборилди.

Итобнинг яна бир кўриниши бор бўлиб, қаттиқроқ бўлгани учун, Аллоҳ таоло уни ҳам Набийсига тўғридан-тўғри йўналтирмаган. Бунда У Зот учинчи шахс сийғаси билан сўз очиб, бир кўринишни ҳикоя қилади ва воқеъликни тасвирлайди. Шу билан бирга, у орқали Муҳаммад алайҳиссаломга одоб беради. Ушбу ҳолат кўзи ожиз Абдуллоҳ ибн Мактум розияллоҳу анҳунинг қиссасида содир бўлади.

Исломнинг илк даврида мусулмонлар сони секинлик билан ўсиб борди. Пайғамбар алайҳиссалом ғайрат қилиб, кўпроқ одамни даъват қилишга уриндилар. Ул зоти бобаракот алайҳиссалом Маккадаги обрўли, бойзодагонлар ҳам Исломга кириб қолса, динга, мусулмонларга қувват бўлса яхши бўларди, деган фикрда эдилар. У зот Макка аъёнлари билан бирга ўтириб, уларни Исломга даъват қилиш билан машғул бўлар эдилар. Бир куни Қурайш қабиласининг аъёнларидан баъзиларини динга даъват қилиб турганларида, икки кўзи ожиз Абдуллоҳ ибн Умму Мактум исмли саҳобий баланд овоз билан: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ ўргатган нарсадан менга ҳам ўргатинг», дея бақириб келиб қолди. Набий алайҳиссаломнинг нима билан машғул эканликларини билмасдан, бу сўзларни бир неча марта такрорлади. Бу Муҳаммад алайҳиссаломга ёқмади: юзларини буриштириб, ундан юз ўгирдилар. Шунда Аллоҳ таоло Ўз Расулига хитоб қилиб, Абаса сурасидаги ушбу оятларни нозил қилди:

يَسْعَى جَاءَكَ مِنْ أُمَّامَا ۗ يَرْكَبُ أَلَا عَلَيْكَ وَمَا ۖ تَصَدَّى لَهُ. فَأَنْتَ ۖ اسْتَغْنَى مِنْ أَمَامَا ۖ الذِّكْرَى فَنَنْفَعَهُ يَذْكُرْ أَوْ ۖ يَرْكَبُ لَعَلَّهُ يَدْرِيكَ وَمَا ۖ الْأَعْمَى جَاءَهُ أَنْ ۖ وَنَوَى عَبَسَ

نَذْرَكَ إِنَّمَا كَلَّا ۖ نَلَّهَى عَنْهُ فَأَنْتَ ۖ يَحْتَسِبُ وَهُوَ ۖ

«Афтини буриштирди ва юз ўгирди... ҳузурига кўзи ожиз киши келганига. Сенга не билдирар, эҳтимол, у покланар. Ёки эслатма олар, бас, эслатиш унга манфаат берар. Аммо истиғно қилганга бўлса... Сен у томонга интиласан. У покланмаса, сенга ҳеч нарса бўлмас. Аммо ҳузурингга шошилиб келган... ва қўрққандан эса... Бас, сен ундан машғул бўласан. Йўқ! Албатта улар (Қуръон оятлари) эслатмадир» (1-11-оятлар).

Бу оятларда баёни келган ҳақиқат ҳам Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий Китоб эканига ёрқин далилдир. Қайси пешво ўзига нисбатан айтилган танқиднинг асрлар бўйи ўқиладиган илоҳий Китобда собит қолишини хоҳлайди?! Ушбу оят нозил бўлганидан кейин Расулуллоҳ алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни доимо иззат-ҳурмат қилиб юрар, «Сабабидан Роббим менга итоб қилган зот, марҳабо!» деб қўяр эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тўғридан-тўғри йўналтирилган, юқорида зикр қилинганларданда шиддатлироқ огоҳлантириш ва танбеҳларга ҳам бир неча мисоллар бор.

(давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан